

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси Ижтимоий ривожланиш
департаменти раҳбари, Давлат тиббий суғуртаси
жамғармаси Кузатув кенгаши раиси



 О.К. Абдурахманов

«03» 20 2024 йил

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгаши мажлисининг

81 - сонли Б А Ё Н И

«03» 20 2024 йил

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

О.К. Абдурахманов – Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси Ижтимоий
ривожланиш департаменти раҳбарининг
биринчи ўринбосари, Давлат тиббий суғуртаси
жамғармаси Кузатув кенгаши раиси

Қатнашдилар:

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув
кенгаши аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

**Реимбурсация дастури доирасида бериладиган дори воситаларининг
қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш тартибини
тасдиқлаш тўғрисида**

*(О.Абдурахманов, А.Худаяров, Х.Турахужаев, Ф.Шарипов, О.Фазилкаримов,
К.Ишанходжаев, З.Эрматов)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4890-сон қарорига мувофиқ Сирдарё вилоятида алоҳида сурункали касалликларни амбулатор даволаш учун қабул қилинадиган дори воситалари бўйича дорихоналар сарф-харажатларини қоплаш “Реимбурсация” дастури тажриба-синов тариқасида жорий қилинди.

Жамғарма Кузатув кенгашининг 2022 йил 4 июлдаги 25-сонли мажлиси баёнига мувофиқ алоҳида сурункали касалликларни амбулатор даволаш учун қабул қилинадиган 11 турдаги дори воситалари рўйхати тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2024 йилдаги ПҚ-311-сон қарорига мувофиқ шифокорнинг электрон рецепти асосида дори воситалари кафолатланган пакет доирасида беморларга дорихоналар томонидан бепул берилиши ва дорихоналарнинг тегишли сарф-харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланишини назарда тутувчи дастур (кейинги ўринларда – реимбурсация дастури) жорий этилиши белгиланган.

Бунда, реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, уларни қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш тартиби Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши кўрсатилган.

Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситалари бўйича дорихоналар сарф-харажатларини қопланиши бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан тиббий хизматлар харидини амалга ошириш учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан Жамғарма томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Юқорида қайд этилган қарор билан белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситалари рўйхатини шакллантириш ҳамда Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш чораларини кўриш талаб этилади.

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан Жамғарма томонидан “Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш тартиби” лойиҳаси ишлаб чиқилиб Кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилди.

Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилиб, **қарор қилинди:**

1. Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Султанов) **2024 йил 10 октябрга қадар** реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситалари рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш чораларини кўрсин.

3. Жамғарма ижро этувчи директори З.Эрматовга Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш бўйича комиссияни ташкил қилиш ва уни аъзолари тайинлаш ваколати берилсин.

4. Жамғарма **2024 йил якунига қадар** реимбурсация дастури доирасида электрон рецепт билан боғлиқ жараёнларни бошқариш, дорихоналар билан электрон шартномалар тузиш, маълумот алмашиш, тегишли ҳисоботларни шакллантириш каби функцияларни амалга оширувчи ахборот дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилинишини таъминласин. Бунда, ахборот дастурида шартнома шакллари автоматлаштирилган ҳолда, ихтиёрий дорихоналар томонидан Жамғарма билан масофадан туриб электрон шартнома тузиш имкониятини яратсин.

5. Мазкур мажлис баёни ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири в.б. А.Худаяров зиммасига юклансин.

Соғлиқни сақлаш вазири в.б., Кузатув
кенгаши раисининг ўринбосари



А. Худаяров

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни
ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси



Х. Турахужаев

Иқтисодиёт ва молия вазирининг
ўринбосари



О. Фазилкаримов

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари



Ф. Шарипов

Ўзбекистон нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси



К. Ишанходжаев

Жамғарманинг ижро этувчи директори,
Кузатув кенгашининг котиби



З. Эрматов



А. Ташқилдайлов

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси

Кузатов кенгашининг

03.10 даги 81 -сонли

мажлиси баёнига

ИЛОВА

Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш

ТАРТИБИ

Ушбу Тартиб (кейинги ўринларда – Тартиб) реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш қоидаларини белгилайди.

1 боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

дори воситасининг халқаро патентланмаган номи (кейинги ўринларда – ХПН) – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган дори воситаси таркибидаги фаол дори моддасининг (субстанция) номи. Мазкур ХПН орқали дори воситаси идентификация қилинади;

чекланган қоплаш қиймати – реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситасининг ХПН, шакли ва дозаси бўйича ҳар бир бирлиги учун чекланган қоплаш қиймати;

дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш комиссияси (кейинги ўринларда - комиссия) – дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи, дистрибьютори, дилери ва улгуржи савдоси билан шуғулланувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда – етказиб берувчилар) томонидан тақдим этиладиган нарх ва етказиб бериш ҳажмлари тўғрисидаги таклифлар асосида реимбурсация дастурида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгиловчи комиссия;

реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг рўйхати (кейинги ўринларда – дори воситалари рўйхати) – Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан реимбурсация дастури асосида берилиши учун тасдиқланган дори воситаларининг ХПН, шакли ва дозаси бўйича рўйхати.

Комиссия Жамғарма ижро этувчи директорининг ўринбосари раислигида реимбурсация дастурини амалга оширишга тааллуқли бўлган Жамғарма таркибий бўлинмалари ходимларидан ташкил топади ва унинг таркиби Жамғарма ижро этувчи директор томонидан белгиланади.

2 боб. Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш

2. Дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланганидан (ёки рўйхатга янги дори воситаси киритилганидан) сўнг 3 (уч) иш кунида мазкур рўйхат кузатув хати билан Жамғармага киритилади. Бунда рўйхатга янги дори воситалари қўшилганда, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўйруғига асосан олдинги рўйхат бекор қилинган ҳолда, янги рўйхат қайта тасдиқланади.
3. Тасдиқланган дори воситаларининг рўйхати Жамғармага етказилганидан сўнг 5 (беш) иш кунида комиссия томонидан Жамғарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида мазкур рўйхатда кўрсатилган дори воситалари ХПН шакли ва дозаси бўйича реимбурсация дастурига киритиш юзасидан таклифларни қабул қилиши тўғрисида эълон жойлаштиради.
4. Комиссия томонидан жойлаштирилган эълон бўйича таклиф берувчилар мазкур эълон жойлаштирилган кундан 10 (ўн) иш куни мобайнида дори воситаларининг нархи ва етказиб бериш ҳажмлари тўғрисидаги таклифларини иловага мувофиқ Жамғарма веб-сайтидаги алоҳида саҳифа орқали тақдим этишади. Бунда таклиф этилган нарх улгуржи референт нархлардан юқори бўлмаслиги талаб этилади.
5. Таклиф берувчилар реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш учун Жамғармага тақдим этган таклифлари билан жорий молия йилида нархни ўзгартирмаслик ва белгиланган ҳажмда дори воситаларини узлуксиз етказиб бериш мажбуриятини олади.
6. Таклифларни тақдим этиш муддати якунланганидан 5 (беш) иш куни ичида киритилган таклифлар Комиссия йиғилишида кўриб чиқилади. Комиссия йиғилишини ўтказиш жойи, санаси ва вақти тўғрисида унинг аъзолари комиссиянинг котиби томонидан хабардор қилинади.
7. Комиссия йиғилишида унинг аъзолари жонли ёки видеоконференциялар орқали онлайн иштирок этишига йўл қўйилади.
8. Комиссия йиғилиши давлат тилида Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари бошчилигида ўтказилади.
9. Комиссия йиғилишида таклиф берувчиларнинг таклифларида кўрсатилган дори воситаларининг нархлари ХПН, шакли ва дозаси кесимида ўсиб бориш тартибидаги шакллантирилган маълумот кўриб чиқилади ҳамда энг паст нарх кўрсаткичидан бошлаб ўсиб бориш тартибида бешинчи нарх чегарасидаги дори воситалари (савдо номи, шакли ва дозаси) танлаб олинади.
10. Танлаб олинган дори воситаларининг савдо номи, шакли ва дозаси учун таклиф этилган нарх асосида чекланган қоплаш қиймати белгиланади. Бунда,

чекланган қоплаш қиймати таркибида таклиф этилган нарх, чакана савдо устамаси ва ҚҚС инобатга олинади.

11. Танлаб олинган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматларидан энг юқори кўрсаткичи ушбу дори воситасининг ХПН, шакли ва дозаси учун энг юқори чекланган қоплаш қиймати сифатида қабул қилинади.

12. Жамғармага ўз таклифларини такдим этган етказиб берувчилар тегишли дори воситасининг ХПН, шакли ва дозаси бўйича қабул қилинган энг юқори чекланган қоплаш қиймати тўғрисида электрон почта орқали хабардор қилинади.

Хабардор қилинган етказиб берувчиларга ўз таклифида кўрсатган нархларни энг юқори чекланган қоплаш қийматидан ошмайдиган нархларга ўзгартириш ҳамда 48 соатда янгиланган таклифларни ўрнатилган тартибда киритиш имконияти берилади.

13. Комиссия томонидан 2 (икки) иш кунида янгиланган таклифлар кўриб чиқилади ҳамда дастлабки йиғилиш натижалари билан бирга дори воситаларининг ҳар бир ХПН, шакли ва дозаси учун дори воситаларининг савдо номи, шакли ва дозаси ҳамда чекланган қоплаш қиймати кўрсатилган рўйхат йиғилиш баёнига мувофиқ тасдиқланади.

14. Комиссия йиғилиши баёни ва у билан тасдиқланган дори воситаларининг савдо номи, шакли ва дозаси ҳамда чекланган қоплаш қиймати рўйхати мазкур баён имзоланган кундан кейинги иш кунида Жамғарма веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали эълон қилинади.

15. Тегишли дори воситаси савдо номи, шакли ва дозаси учун комиссия баёни билан тасдиқланган чекланган қоплаш қиймати ахборот дастурига киритилади ҳамда реимбурсация дастури асосида берилган ушбу дори воситаси бўйича дорихона сарф-харажатлари мазкур чекланган қоплаш қиймати доирасида Жамғарма томонидан тўлаб берилади.

16. Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаси учун белгиланган чекланган қоплаш қиймати жорий молия йили якунига қадар амал қилади (фавқулоддаги ҳолатлар ҳамда қонунчиликка мувофиқ ўрнатилган бошқача қоидалар бундан мустасно).

3 боб. Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситалари учун тўловларни амалга ошириш

17. Реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситалари бўйича сарф-харажатларни қоплаш тўловлари тегишли дорихона билан Жамғарма ўртасида ахборот дастури орқали тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Шартномада дорихона томонидан таъминланадиган дори воситалари миқдори ва уларнинг қиймати аниқ кўрсатилмайди, балки шартнома қиймати дорихона томонидан беморларга ҳақиқатда таъминланган дори воситалари ва асословчи ҳужжатлар асосида аниқланади ҳамда тўловлар Давлат бюджети маблағлари

ҳисобидан Жамғарма томонидан чекланган қоплаш қиймати доирасида амалга оширилади. Бунда чакана савдо билан шуғулланиш учун тегишли лицензияга эга ихтиёрий дорихона реимбурсация дастури асосида дори воситалар таъминоти бўйича Жамғарманинг ахборот дастури орқали Жамғарма билан электрон тарзда шартнома тузиши мумкин.

18. Реимбурсация дастурида иштирок этувчи дорихоналарнинг берилган дори воситалари бўйича сарф-харажатлари мазкур дори воситаларининг ҳақиқий сотув нархлари акс эттирилган ҳисобварақ-фактуралар асосида Жамғарма томонидан чекланган қоплаш қиймати доирасида тўлаб берилади.

19. Реимбурсация дастури бўйича тўловларни олиш учун дорихона ҳафталик ёки ойлик асосда берилган дори воситасининг ҳақиқий сотув нархи акс эттирилган, электрон рецепт рақамига боғланган дори воситаси рақами ва мазкур электрон рецептга мувофиқ дори воситасининг тайинланган миқдоридан берилган қисми кўрсатилган ҳисобварақ-фактурани Жамғармага юборади.

Бунда, дорихона раҳбари ҳисобварақ-фактурада акс эттирилган маълумотларнинг тўғри ва ҳаққонийлиги ҳамда ўз вақтида Жамғармага узатилишига жавобгар ҳисобланади.

20. Ҳисобварақ-фактура келиб тушган кундан бошлаб Жамғарма ундаги маълумотларни 5 (беш) иш куни ичида кўриб чиқади. Бунда, дорихона билан тузилган шартнома шартларининг бажарилиши ўрганиб чиқилади ҳамда ҳисобварақ-фактурада акс эттирилган сарф-харажатларни тўлиқ қоплаш, қисман қоплаш ёки қоплашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

21. Жамғарма томонидан сарф-харажатларни тўлиқ қоплаш тўғрисидаги қарори ҳисобварақ-фактурани қабул қилиш орқали амалга оширилади. Харажатларни қисман қоплаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганида ҳисобварақ-фактура дорихонага қайтарилади ва рад этишнинг асослари кўрсатилади.

Дорихона харажатларни қисман қоплаш ёки рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этиши ва харажатлар қопланиши учун ҳисоб-фактурани 5 (беш) иш куни ичида такроран тақдим этиш ҳуқуқига эга.

22. Жамғарма томонидан дорихоналар сарф-харажатларини қоплаш учун тўловлар ғазначилик хизмати органлари орқали юридик мажбурият асосида ҳар ойда камида бир маротаба амалга оширилади.

23. Ахборот дастурида реимбурсация дастури учун режалаштирилган маблағларнинг ойлик режаси шакллантирилади.

24. Жамғарма реимбурсация дастури учун режалаштирилган маблағларни бошқариш ва назорат қилишни амалга оширади. Мазкур маблағларни бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари кесимида тақсимлайди, қайта тақсимлайди ҳамда электрон рецептлар расмийлаштирилишини доимий мониторинг қилади.

25. Дорихона томонидан реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситалари учун бемордан тўлов олинганлиги ҳамда реимбурсация дастури талабларига риоя этилмаслик ҳолати аниқланганда Жамғарма:

биринчи маротаба – огоҳлантириш бериш;

иккинчи маротаба – бир томонлама тартибда шартномани бекор қилган ҳолда дорихонани реимбурсация дастуридан чиқариш ҳуқуқига эга.

Бунда, дорихона реимбурсация дастуридан чиқарилган (четлатилган) дорихона ходимларининг ахборот дастурига кириши тўхтатилади ва хабарнома берилган кундан кейин берилган дори воситалари учун тўлов амалга оширилмайди.

4 боб. Коррупция ҳолатлари ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш

26. Томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари орқали ўзларининг мақсадларига етишиш учун тўғри ёки билвосита бирон бир шахсларнинг қарорлари ёки ҳаракатларига таъсир ўтказиш йўли билан ноқонуний афзалликларга эришиш учун ҳеч қандай қимматли буюмларни совға қилмайди, хизматлар кўрсатмайди ёки тўловларни амалга оширмайди.

27. Томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари юқорида келтирилган қоидаларга риоя қилишлари ва таъсир кўрсатадиган бошқа учинчи шахслар томонидан мазкур қоидаларга амал қилиниши борасида оқилона чоралар кўриш мажбуриятини оладилар.

28. Томонлари амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини бузадиган бошқа ҳаракатларни содир этган тақдирда, тегишли томон зудлик билан бошқа томонни Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча таҳдидлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

5 боб. Яқунловчи қоидалар

29. Жамғарма реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг чекланган қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш амалиётида жорий этиш ва юритилишида юзага келадиган муаммоларни ечиш ҳамда ушбу ҳужжатда тартибга солинмаган масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

30. Ушбу Тартиб талабларига риоя қилмаган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.